



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 10-noyabr № 46 (4444)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Муҳтарам Самарқанд аҳли!

Бугун мен учун қадрдон бўлган, муқаддас Самарқанд заминидан сиз, азизлар билан учрашиб, барчангизни соғ-саломат, яхши кайфиятда қўриб турганимдан хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, қадрдонларимга, сизлар орқали меҳнаткаш, мард ва олижаноб Самарқанд аҳлига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Энг муҳими, шу кунларда давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини мамлакатимизда биринчилар қаторида вилоятнинг барча туманлари бўйича бажариб, 217 минг тоннадан зиёд улкан ҳирмон бунёд этганингиз билан сизларни, бутун Самарқанд аҳлини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Айниқса, ҳар гектар ердан 45-55 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олган Иштихон туманидаги "Омонбой Фармонов", Нарпай туманидаги "Абди Ёвқон", Каттақўрғон тумани-

даги "Ҳосил", Пахтачи туманидаги "Мирзаев Шухрат" каби фермер хўжалиқларининг номларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Вилоят деҳқонларининг бошқа тармоқлар бўйича ҳам йилни ёруғ юз билан якунлаётганидан хабардорман.

Сиз, азизларга, бутун Самарқанд элига фидокорона меҳнатингиз учун чуқур миннатдорлик билдириб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт, қувонч ва шодлик тилашга руҳсат этгайсиз.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги сессия **ташкилий масала билан бирга**, Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, бу йўлда эришилган **ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, келгуси икки йилда олдимизда турган асосий вазифаларни муҳокама қилишга бағишланган**.

Сизларга яхши маълум, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар

"Ҳамма нарса инсон манфаатлари учун" деган эзгу мақсадга қаратилган. Шу мақсад йўлида халқ билан мулоқот қилиб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш барчамиз учун асосий фаолият мезонига айланиб бораётгани амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Оддий юртдошларимиз бугун ҳаётдаги ўзгаришлардан рози бўлиб, мамнун бўлиб гапирётгани, ўзлари ҳам ана шу ўзгаришларнинг иштирокчисига айланиб бораётгани — бу бизни қувонтиради. Ҳақиқатан ҳам, халқимиз бугун ҳаракатга келди. Одамларда ишонч пайдо бўлди. Давлат органлари халққа, халқимиз эса ўз олдига қўйган мақсадларга қараб интила бошлади.

Мен қаерга борсам, шу гапни такрорлайман: халқ биздан рози бўлса, ишимизда унум, барака бўлади. Одамларнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир.

Давоми иккинчи саҳифада.

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва дастурлар билан таништириб, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида 9 ноябрь кuni Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислам Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Шавкат Мирзиёев мазкур мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадилаштириш тўғрисида»ги қарори

ижроси доирасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йил 31 август кuni пойтахтимизда, 2 сентябрь кuni Самарқанд шаҳрида мустақиллигимиз асосини, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримовнинг улугвор ҳайкаллари очилди.

Айни пайтда Ислам Каримов дафн этилган ёдгорлик мажмуаси ҳудудида сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимиз вилоятга аввалги ташрифлари чоғида мақбара қурилишини якунига етқа-

зиш, зиёратчилар учун шароитларни янада яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда бажарилган кенг қамровли ишлар натижасида мажмуа яхлит меъморий ансамблга айланди. Мақбара атрофида Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун ҳолда миллий услубдаги айвонлар барпо этилди. Йўлаклар атрофи мармар панжара билан қопланди, зиёратчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида замонавий лифтлар ўрнатилди.

Зиёратга келувчиларга йилнинг тўрт фаслида ҳам қўлай бўлиши учун зарур шароитлар яратилди. Атрофдаги йўлаклар таъмирла-

ниб, автомобиллар тўхташ жойи барпо этилди. Шохи Зинда қабристонни деворлари реконструкция қилиниб, ҳудуди ободонлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароитларни янада яхшилаш бўйича мутасаддиларга тавсиялар берди.

Президентимиз Самарқанд шаҳридаги собиқ лифтозлик заводи ҳудудида ташкил этилган янги саноат мажмуасида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Дастлаб энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Давоми учинчи саҳифада.

ИЛМИЙ ТАФАККУР ГУЛТОЖИ

Навоий гулшани



Буюк мутафаккир Алишер Навоий бундан беш аср олдин тилларнинг ўзаро чоғиштирма тадқиқи асосланган "Муҳокама-л-лугатайн" ("Икки тил муҳокамаси") монографияси билан дунё тилшунослигида мутлақо янги илмий йўналиш — компративистикага асос солган эди. Аллома ушбу асари орқали чоғиштирма тилшунослигининг тадқиқ йўллари, таҳлил усуллари, методологик асосини ишлаб чиқди. Ҳозирга қадар замонавий тилшуносликда ушбу илмий изланиш ўз ўрнини, таҳлил ва тадқиқ усуллари, қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас.

Лингвистика тарихида Алишер Навоий бошлаб берган мутлақо янги илмий йўналишга асосланган компративистик тадқиқотлар Оврӯпода XIX асрнинг биринчи ярмига келибгина яратила бошлади; тилшунослик тарихида қиёсий-тарихий тилшунослик номи билан ўрин эгаллади. Ҳозирда ушбу йўналиш замонавий тилшуносликнинг йирик соҳаларидан бирига айланган.

Олис манзилга элтувчи йўл биринчи қадамдан бошланади. Шарқ донишмандларидан мерос бу ҳикмат замирида бадий ижод олами учун муҳим мезонлардан бири мужассам: агар санъат ривожини йўлида ишонч ва собитлик билан қадам қўйилган бўлса, унинг истиқболи учун мустаҳкам пойдевор яратилади. Пойтахтимизда ўтаётган I Тошкент халқаро амалий санъат фестивали шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз халқаро миқёсдаги кўплаб нуфузли санъат анжуманларига мезбонлик қилган бўлса-да, амалий санъат йўналишидаги халқаро фестиваль илк бор ўтказилаётганини таъкидлаш лозим.

Фестивалнинг Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида ўтган очилиш маросими санъат ихлосмандлари, айниқса, халқ ҳунармандлиги фидойилари, устоз ижодкорлар учун ҳақиқий байрамга айланди. Тадбир доирасида Озарбойжон, Буюк Британия, Эрон, Италия, Хитой, Россия, Германия сингари мамлакатлардан ташриф буюрган машҳур амалий санъат усталари, улар яратган ижодий ишлар билан танишиш имконига эга бўлди.

Давоми бешинчи саҳифада.

ШАРҚОНА НАФОСАТ НАМОЙИШИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.И.Жўраевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Туробжон Икромович Жўраев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАҲАТЧИСИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь кuni «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган нуфузли делегацияга бошчилик қилаётган АҚШ Президенти маслаҳатчиси Ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон — Америка мулоқоти амалий ҳамкорлик руҳида барқарор ривожланиб бораётганини қайд этди. Сентябрь ойида Ўзбекистон делегациясининг АҚШга сафари ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп ва Америка бизнес доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар якунлари томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини, аввало, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқаларни амалий жиҳатдан кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича интилишлари қатъий эканини намойиш қилди.

Қайд этилганидек, қатор муҳим халқаро муаммолар ечими, глобал хавф ва таҳдидларга қарши курашиш масалаларига ёндашувларнинг мос ва муштарак экани ушбу долзарб йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлиқни сезиларли равишда мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь кuni БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча ва Бош котибининг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Германини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Н.Германини БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари лавозимига тайинлангани билан табриклади ва фаолиятига муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг БМТ билан, хусусан, яқингача М.Енча раҳбарлик қилиб келган Минтақавий марказ билан ҳамкорлиги самарали бўлаётганини мамнуният билан қайд этди. Президентимиз 10 ноябрь кuni Самарқандда иш бошлайдиган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияни ташкил этишда БМТ муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этаётгани, жумладан, йиғилиб қолган масалаларга амалий ечим топиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, минтақанинг узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёти бўйича аниқ тақ-

лифлар илгари сураётгани ва амалга ошираётгани таъкидланди.

Меҳмонлар БМТ ва унинг Бош котиби Антониу Гутерриш номидан минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро форум мақсади ва вазифаларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш, «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясини қабул қилиш, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш бўйича илгари сурилган муҳим ташаббуслар мавжуд глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь кuni мамлакатимизга ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Томас Греммингери қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Швейцариянинг атоқли дипломатини юқори ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон ЕХҲТ билан янада фаол ҳамкорлик қилиш, Ташкилот мандатига кирувчи барча масалалар бўйича ўзаро англашуви мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини қайд этди.

ЕХҲТ Бош котибининг ташрифи ҳамда унинг Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро конференциядаги иштироки мамлакатимизда Ташкилот томонидан Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй бераётган тўб ўзгаришлар, жумладан, демократлаштириш жараёни, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва амалга оширилаётган кенг ўқамли ислохотларнинг бошқа муҳим жиҳатларига бўлган қизиқишининг тасдиғи сифатида баҳоланмоқда.

Томас Греммингер Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистон билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича изчил ва амалий қадамларини юксак қадрлайди. Юқори

мартабали меҳмон нуфузи ва иштирокчилари сони кўпчилиги бўйича мислсиз бўлган Самарқанд форуми натижалари минтақавий ҳамкорликка янги суръат бериш, стратегик жиҳатдан муҳим минтақада ўзаро англашув ва ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишлари ЕХҲТнинг хавфсизлик, иқтисодий-экологик ва инсон мезонлари бўйича барча мақсад ва устувор йўналишлари билан тўла ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади.

ЕХҲТ ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликка, мамлакатимизда узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш ва эксперт кўмағи кўрсатишга тайёр экани билдирилди.

Учрашувда ЕХҲТ фаолиятига оид бошқа масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар қўриб чиқилди.

ЎЗА

Давоми учинчи саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДИН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши иккинчи саҳифада.

Биз уларнинг тимсолида ёшларимизнинг камол топиши йўлида қилаётган ишларимизнинг самараси ва натижасини кўриб, албатта хурсанд бўламиз.

Айни вақтда бугунги мураккаб ва таҳликали дунёда ёшлар тарбияси биз учун энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолаётганини ота-она, устоз-мураббий сифатида ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Пайриқанд ва Тайлоқ туманларида ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитлар яратилмаган.

Вилоятда 488 нафар вояга етмаганлар, жумладан, 138 нафар қиз бола ички ишлар идораларида ҳисобда туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Шунинг учун вилоят ҳокимлиги (Т.Жўраев), Ёшлар иттифоқи билан биргаликда, **биринчидан**, Самарқанд шаҳридаги ахборот-ресурс маркази фаолиятини тубдан яхшилаш ҳамда уни замонавий илмий-оммабоп ва бадий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Иккинчидан, Иқтисодиёт, Молия ва Маданият вазирликлари билан биргаликда Каттақўрғон, Пайриқанд ва Тайлоқ туманларида 2018 йилда замонавий кинотеатр ва маданий ҳордиқ чиқариш масканларини барпо этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, шаҳар ва туманлардаги “Баркамол авлод” болалар ижодий марказлари, мусиқа ва спорт мактаблари ёшларни жалб этиш юзасидан 20 кун муддатда аниқ чора-тадбирлар белгилаш лозим.

Биз бу йил таълим тизимида катта ўзгаришларни амалга оширганимиз, жумладан, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этганимиздан барчангиз хабардорсиз.

Бугун ҳаётнинг ўзи шунини кўрсатмоқдаки, болани мактабгача таълим тизимида тарбияламасдан туриб, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ёшларни вояга етказиб бўлмайди.

Шу сабабли, жажжи фарзандларимиз онгига болалик йилларида етук шахсга хос кўникма ва фазилатларни сингдириш мақсадида биз келгуси 3-4 йилда юртимиздаги барча болаларни мактабгача таълим муассасаларига юз фоиз қамраб олиш вазифасини ўз олдимизга қўйганимиз ва уни албатта амалга оширамиз.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 3-7 ёшдаги болалар 272 минг нафарни

ташқил этиши, уларнинг атиги 74 минг нафари ёки 27 фоиз боғчага қатнашни ҳисобга оладиган бўлсак, бу масала Самарқанд учун ҳам қандай долзарб экани аён бўлади.

Лекин, афсуски, шунча бола боғчага қамраб олинмаганига қарамасдан, вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларида турли сабабларга кўра 11 мингта ўрин бўш турганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда Тайлоқ, Қўшрабат, Самарқанд, Оқдарё туманларида ва Самарқанд шаҳрида боғчаларнинг қуввати етишмайди.

Тизимдаги муаммолардан бири – бу кадрлар салоҳиятининг пастлиги ва уларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Бугунги кунда тизимдаги 3 минг 500 нафар тарбиячининг атиги 5 фоизи олий маълумотли, шундан 2 фоизи мутахассислиги бўйича фаолият юритмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда 5-6 ёшдаги болалар учун 3 мингдан зиёд тарбиячи талаб этилмоқда.

Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Қўшрабат ва Ургут туманларида 118 та мактабгача таълим муассасаси моддий-техник жиҳатдан талабга мувофиқ жавоб бермайди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Махмудов), Мактабгача таълим вазирлиги (А.Шин), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Т.Жўраев) **бир ой муддатда** юқорида қайд этилган муаммолар бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, пухта ва чуқур ўйланган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши зарур.

Ҳурматли юртдошлар! Коммунал хизматлар, электр ва газ таъминоти бўйича кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишларини сифати яқинга етказиш масаласи ҳам аҳоли манфаатлари билан бевосита боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Вилоятда уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бироқ, жойларда аҳолининг қўшимча талабига асосан ва махсус ташкил этилган ишчи гуруҳининг ўрганиши натижасида аниқланган камчиликлар ҳал қилинмаганини афсус билан айтишга тўғри келади. Хусусан, вилоятда 129 та уйнинг том қисми, 35 та уйнинг ертўласи, 41 та кириш йўлакларини таъмирланмаган. Шунингдек, ширкатларга ажратилиши зарур бўлган 26 миллиард 400 миллион сўмлик кредит маблағларидан 7 миллиард 100 миллион сўми ажратилмаган.

Аҳоли учун 30 минг тонна кўмир ва 20 минг тонна брикет, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 5 минг тоннадан зиёд брикет маҳсулотларини етказиб берилмаган.

Вилоят бўйича 432 километр электр тармоқлари реконструкция қилинмаган ва янгидан қўрилмаган, 25 та трансформатор пункти реконструкция қилинмаган.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (М.Салиев),

“Ўзбекэнерго” (У.Мустафоев) вилоят ҳокимлиги билан биргаликда айтиб ўтилган барча камчиликларни **15 кун муддатда** ҳал қилиши зарур.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Самарқанд вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти қоникарли эмаслиги шу йил 17 августда ўтказилган видеоселекторда танқид қилинган эди.

Ана шундан сўнг қўрилган чоралар натижасида вилоят бўйича жиноятларнинг умумий сони ўтган йилга нисбатан **82 тага** камайган.

Бироқ, шунга қарамасдан, вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишлар **бугунги кун талабларига жавоб бермайди**.

Оғир жиноятлар 193 тага кўпайган. Айниқса, қотиллик 9 тага, талончилик 16 тага, фирибгарлик 37 тага, ўғрилик 62 тага кўпайгани ҳаммамизни ташвишлантириши керак.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура (М.Азимов) билан биргаликда, **икки ҳафта муддатда** Самарқанд вилоятида ҳар бир жиноят турини, биринчи навбатда сони ошган жиноят турларини таҳлил қилиб, уларнинг барвақт олдини олиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, амалга оширсин.

Яна бир муҳим масала – **Пахтачи туманидаги вазиятга** тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу туманда охириги уч йилда қимматбаҳо металлларни ноқонуний равишда қазиб билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юқорилигига қўлмоқда.

Шу даврда **12 та** жиноят, **123 та** ҳуқуқбузарлик содир этилиб, **263 нафар** шахс жавобгарликка тортилган.

Энг ачинарлиси, бундай ноқонуний фаолият билан шуғулланиётган шахслар ўз ҳаётини ҳавф остига қўймоқда – қанча одамни тупроқ босиб қолиб, ҳалок бўлмоқда.

Бу масалага жиддий ёндашиш вақти келди. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** мазкур муаммони ва бу борада жажжи тажрибасини ўрганиб чиқиш, уни ечиш зарур бўлса, артель тузиш бўйича тақлиф киритсин.

Иккинчидан, профилактика инспекторлари, маҳалла вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараётгани ҳам жиноятларнинг олдини олиш самарасини пасайтирмоқда.

Профилактика инспекторлари учун уй-жой шароити, уларни хизмат хоналари ва автомобиллар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиб бermoқдамиз. Лекин энди натижани сўрайдиган вақт келди. Қани натижа? Афсуски, Самарқанд вилоятида бу саволга ижобий жавоб йўқ.

Мана, битта мисол. Самарқанд шаҳридаги **33 та** маҳаллада содир этилган жиноятларнинг камида ярми муҳофаза қилинмаган. Аксарият маҳаллаларда муҳофазалар номига, фақат ҳисобот учун ташкил этилган. Бу борада маҳалла раислари, профилактика ин-

спекторлари қаёққа қараяпти, деган савол туғилади. Қўпол бўлсам айтиш керак, ҳаммаси ухлаб ўтирибди. Ёки ўзи билан ўзи овора.

Аёллар томонидан содир этилган **436 та** жиноятнинг аксарияти оилавий келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққан.

Аёллар томонидан ўз жонига қасд қилиш даражаси юқорилигига қўлмоқда, яъни, 145 тани ташкил этмоқда.

Хотин-қизлар кўмитасининг масъул раҳбарлари бу рақамларни қандай изохлайди?

Маҳалла вакиллари, профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида уйма-уй юрдиқ, оилалардаги аҳолини ўргандик, деб ҳисобот беришади-ю, лекин ҳақиқий вазиятдан уларнинг мутлақо хабари йўқлиги таҳлиллар жараёнида яққол аён бўлмоқда.

Оғохлантириб айтмоқчиман: бундай сохта ҳисоботлар билан ишлайдиганлар қонун бўйича тегишли жазосини албатта олади. Президент сиёсатини оғохлантирадиган бундай кўзбўямачиликларга ҳеч қачон йўл қўйилмайди. “Маҳалла” жамғармаси (Ш.Жавлонов), “Нуроний” жамғармаси (Ш.Жалилов), Хотин-қизлар кўмитаси (Т.Нарбаева), Ички ишлар вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи билан биргаликда, **бир ой муддатда** ҳудудлардаги оилавий жанжаллар, қўшинлар ўртасидаги келишмовчилик ва низоларнинг туб сабабларини аниқлаб, уларнинг ечимини топиб, тарафларни яраштириш юзасидан зарур чоралар қўрилишини таъминласин.

Жиноятларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли билан самарали мулоқот ўрнатиб, тинчлик-осойишталиқни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари идораларининг ўта марказлашган ҳолда жойлашуви уларнинг ўз вазифаларини самарали ҳал қилиш имконини бермаяпти.

Бу, бир томондан, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлиги пасайишига олиб келаётган бўлса, бошқа томондан, аҳолига ўз муаммосини ҳал қилишда ноқулайлик туғдиримоқда.

Биз ички ишлар органлари ходимларини халққа янада яқинроқ қилиш мақсадида ходимларнинг асосий қисми бевосита жойларда, керак бўлса, ҳар бир сектор ҳудудидида хизмат олиб боришни таъминлашимиз керак.

Давлат маслаҳатчиси О.Муродов Ички ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Т.Жўраев) билан биргаликда, **икки ҳафта муддатда** Самарқанд шаҳри ва Ургут тумани ички ишлар органлари тузилмаси ҳамда куч ва воситаларининг тақсимланишини тубдан қайта қўриб чиқиш, тажриба тариқасида мавжуд хизматларнинг фаолиятини жойларда мақсадли ташкил этиш ҳамда уни самарали мувофиқлаштиришга доир тақлифлар киритсин.

Учинчидан, юқорида қайд этилган барча камчиликлар ички ишлар органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш бўйича ишларнинг қоникарсизлиги билан боғлиқ. Ички ишлар органлари ходимлари-

нинг асосий вазифаси жиноятларни барвақт аниқлаш ва олдини олишдан иборат. Лекин уларнинг ўзлари томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилса, бунини қандай изохлаш мумкин?

Жорий йилнинг ўтган даврида **42 нафар** ички ишлар ходими томонидан **25 та** жиноят содир этилган. Уларнинг **10 таси** мансабни суистеъмоқ қилиш, **7 таси** пора олиш билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Бундай ички ишлар ходимларининг **9 нафари** вилоят миқёсидаги ходимлар экани айниқса ачинарлидир.

Вилоятда ҳар йили ички ишлар ходимлари томонидан ўртача **40 тага** яқин жиноят содир этилмоқда. Бу кўрсаткич юқори даражада қолаётгани ва бу йўналишдаги профилактик тадбирларнинг самарасизлиги бизни жиддий ташвишлантиримоқда.

Табий бир савол туғилади: Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ф.Қувондиқов бундай ҳолатни қандай изохлайди? Ёки у узок муддат бу лавозимда ишлаб чарчаб қолдики? Агар чарчамаган бўлса, ишида натижа бўлиши керак. Натижа эса йўқ, Буюм ҳақиқат.

Бундай ноҳус ҳолатга Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти алоҳида, тақор айтаман, алоҳида эътибор қаратиши шарт.

Ички ишлар ходими халқимизга намуна, ўрнатқич бўлиши керак бўлса, эл-юрт учун фидойи инсон бўлиши керак. Чунки ички ишлар ходимига ишониб, халқимиз кечаси уйда тинч ухлайди, кундузи иш жойида самарали меҳнат қилади.

Бундан бўён ички ишлар тизимида кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакаси ва масъулиятини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу масала қатъий назоратда олиниши зарур.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов **бир ҳафта** муддатда Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси фаолиятини ҳар томонлама танқидий қўриб чиқсин.

Вилоят раҳбарларининг ушбу соҳада амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботларини тинглашни ташкил этсин. Бошқарма бошлиғи Ф.Қувондиқов эгаллаб турган лавозимига лойиқми ёки лойиқ эмасми – шу масала бўйича тақлиф киритсин.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда, **бир ҳафта муддатда** ички ишлар органлари ходимлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйиш ва шахсий тарқиб ўртасида маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириб, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Мухтаман депутатлар!

Бугун биз Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги айрим натижаларни қисқача таҳлил қилиб, бу борадаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтдик, ҳолос.

Афсуски, вилоят собиқ раҳбарининг

мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар қилишга қурби етмади, вилоят аҳлини жипслаштириш, сайёҳлар учун барча шарт-шароитларни яратиш зарурлигини таъкидлади.

Шу сабабли жорий йил июнь ойида Х.Оқўбаевни вазифасидан озод қилиб, Туробжон Жўраевни вилоятга вақтинча раҳбар этиб тайинладик ва уни яна бир бор синовдан ўтказдик.

Шу муносабат билан бугунги сессияда ташкилий масала, яъни, Самарқанд вилоятига янги ҳоким тайинлаш масаласини қўриб чиқишимиз керак.

Биз халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги сиёсий партиялар гуруҳлари билан, вилоят фаоллари ва оқсоқоллари билан атрофлича маслаҳатлашдик. Шу асосда мен катта тажрибага эга бўлган, бир неча йиллар давомида вазир, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаган, бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган **Туробжон Икромович Жўраев номзодини вилоят ҳокими лавозимига** тавсия этаман.

Туробжон Жўраев 1966 йилда туғилган. Ўз фаолияти давомида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида дарс берган, Молия вазирлигида бошқарма бошлиғи, вазир ўринбосари бўлиб ишлаган.

Кейин халқ таълими вазирини, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокими лавозимларида фаолият кўрсатган.

2017 йилда Бекобод тумани ҳокими, июнь ойидан бўён эса Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Туробжон Жўраев иқтисодчи олим, катта амалий тажрибага эга раҳбар сифатида ўтган 5 ой мобайнида Самарқанд вилоятининг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг ичига кириб бора олди, одамлар билан яқиндан мулоқот қилиб, уларнинг ишончини қозонди.

У бундан бўён ҳам зиммасидаги улкан масъулият ва жавобгарлиқни чуқур ҳис қилган ҳолда, Самарқанд аҳли билан тил топишиб, бу кўпни кўрган, мард ва олижаноб элга муносиб бўлиб иш олиб боради; деб, ишонаман.

Авиш ва муҳтарам дўстлар!

Бугунги шиддатли замон бир-биридан ўткир ва мураккаб вазиятларни олдимизга қўймоқда. Ўйлайманки, ўзининг неча минг йиллик тарихида кўп синов ва машаққатларни мардона енгиб ўтган, донишманд Самарқанд аҳли бу ҳақиқатни яхши тушунадми.

Шунинг учун ҳам биз бугунги масъулиятли даврда ўз олдимизга қўйган юксак мақсад ва марраларга етишда бутун халқимиз қатори Самарқанд аҳлининг ақл-заковати, улкан иш ва ҳаёт тажрибасига таянамиз.

Ишончим қомил, азму шижоатли, меҳнатқаш Самарқанд эли вилоятнинг янги раҳбари атрофида бирилашиб, Самарқанд заминини янада раванг топтириш йўлида ижобий натижаларга албатта эришад.

Шу йўлда барчангизга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 14-15 апрель кунлари вилоятга ташрифи чоғида берилган топириқлар асосида 2017-2018 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган 19 лойиҳа бўйича изчил ишлар бажарилмоқда.

“Сам Рафод текстиль”, “8 март”, “Иман текс”, “Самарқанд Евро Азия текстиль”, “Амин инвест интернейшнл”, “Мароқанд сифат” каби корхоналарда тайёрланаётган тикув-трикотаж маҳсулотлари, бўғлан трикотаж мато ва кийим-кечаклар ички бозордан ташқари экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бу корхоналар салоҳиятини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини бераётди.

Айни пайтда Пастдарғом, Самарқанд, Булунгур, Оқдарё туманларидаги қатор корхоналарда янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бунинг натижасида жинси мато, жинсидан тайёр кийим-кечак, янги турдаги вельвет, мебель газламалари, аралаш ва синтетик матолар ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Шавкат Мирзиёев соҳада яратиладиган ҳар бир ишчи ўрни муҳим экани, бу корхоналар истиқболини белгилаш ва аҳолини доимий иш билан таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ерда терини қайта ишлаш, чарм-поябзал ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари “Ideal elektroluks” Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший техника жиҳозлари, “Sino” акциядорлик жамиятида тайёрлана-

ётган музлаткич ва совуткичларни кўздан кечириди. Махсулотларга ташқи бозорда харидор топиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан топириқлар берди.

Президентимизга 2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятини комплекс ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Унга кўра, умумий қиймати 5,2 триллион сўмлик 2020 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади, 19 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Мазкур дастур ижроси самарасида келгусида аҳоли даромадларини 2 баробар, саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,7, хизмат кўрсатиш ҳажмини 1,8, пудрат ишлари қўламини 1,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 1,4 марта ошириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш, айни пайтда 2018 йилга мўлжалланган режалар тузиш зарурлигини таъкидлади. Бунда хорижлик инвесторларни кенгроқ жалб қилиш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратиш лозим.

Вилоятда автомобилсозлик, электротехника, фармацевтика соҳаларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳам маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Самарқанд вилоятида ер ости бойликлари кўп. Жумладан, керамик плитлар, цемент, табиий пардозбоп тошлар, металлни рухлаш ва полимерзациялашда ишлатиладиган қазилма бойликлар захиралари мавжуд.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик

жамияти томонидан мазкур йўналишда келгусида 100 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадлар учун асосан хорижий инвестициялар жалб қилинади.

Бугунги кунда вилоятдаги карьерлардан тўлиқ фойдаланиб, қурилишбоп ашёлар қазиб чиқариш кўпайтирилмоқда. Биргина Нуробод туманида Туркия билан ҳамкорликда 25 миллион доллар эвазига 500 минг кубометр газоблок ишлаб чиқариш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев белгиланган лойиҳалар вилоят салоҳиятига мос эмаслиги ва бу борада янада самарали лойиҳаларни ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Пахтачи, Каттақўрғон, Нарпай туманларида ҳали фойдаланилмаган қанчадан-қанча бойликлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари. Бу ҳудудларда геологик изланишлар олиб бориш, четдан инвесторларни жалб қилган ҳолда янги конларни ўзлаштириш лозим. Бу сифатли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга, юзлаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

2017-2018 йилларда Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантириш дастури бу борадаги ишларни янги босқ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яқинда ана шу асарнинг янги наشري туркий тиллар тарихининг билимдонларидан бири Қосимжон Содиков таҳлили, табдили ва талқини остида чоп этилди (*Алишер Навоий*. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: “Академ-нашр”, 2017).

Китобда асарга бағишланган тадқиқот, “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг илмий транскрипцияси, ҳозирги ўзбек тилига соддалаштирилган ўғирмаси, асарда ишлатилган илмий истилоҳлар сўзлиги берилган. Илова сифатида Париж ва Тўққопи нусхаларининг факсимили ҳам келтирилган.

Ҳозирда дунё кўлэмалари фондида “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг тўртта кўлэмаси маълум.

Нусхалардан биринчиси Истанбулдаги Тўққопи саройи музейи Реван кутубхонасида сақланаётган Навоий кулбетида ўрин олган. Ушбу кўлэма, тахминларга қараганда, мавжуд нусхаларнинг энг эскисидир.

Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланаётган Навоий кулбетида кирган.

Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган Навоий кулбети таркибиди. Кўлэма 1526–1527 йиллари кўчирилган.

Асарнинг яна бир кўлэмаси Будапештда сақланмоқда. Янги нашр ана шу нусхаларни ўзаро қиёслаш натижасида яратилган.

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг кўлэмалари орасида Тўққопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин: Тўққопида қайси жойлари тушиб қолган бўлса, Париж кўлэмасида ҳам айтарли шундай.

Асарнинг Фотиҳ кутубхонасида сақланаётган кўлэмаси бошқа нусхалардан биринчунан фарқ қилади. Мухими шундаки, Тўққопи ва Париж кўлэмаларида учрамайдиган сўз ва жумлалар ушбу нусхада тўлдирилган; текстологик жиҳатдан бу нусханинг ўзига яраша афзаллиги ҳам бор.

Навоий ўзи асарида компративистиканинг таянч усулларини ихтиро этган. Чунончи, у тилларнинг қандай бириклири ва қатламлари солиштирилса, асосли илмий натижаларга эришиш мумкинлигини ҳам кўрсатган. Ана шу мақсадда Навоий ўзбек тилининг сўз бойлигини кўрсатиш орқали форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган. Қизиқи, шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг сабабини Қ. Содиков тўғри кўрсатган. Унинг ёзишча, асарнинг бизга етиб келган кўлэмаларида феълларнинг сони турлича: Тўққопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотиҳ ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа кўлэмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У **чим-диламоқ** феъли бўлиб, кетма-кетлик-

да **кичигламақ** сўзидан кейин келади. Бундан кўринадики, халиги нусхани кўираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган. Тошкент нашрида ушбу феълнинг учрамаслигининг сабаби ҳам шунда, нашр учун

Навоий гушани

Париж кўлэмаси асос бўлган.

Янги нашрда ана шу феъл ҳам келтирилган.

Қ.Содиковнинг таъкидлашича, баъзи ўринларда жумлаларнинг тузилишида ҳам фарқли жиҳатлари бор. Масалан,

ИЛМИЙ ТАФАККУР
ГУЛТОЖИ

Тўққопи ва Париж кўлэмаларидаги айрим жумлалар Фотиҳ кўлэмасида тахрир қилинган ёки аввалги икки кўлэмада учрамайдиган жумлалар Фотиҳ кўлэмасида тўлдирилган. Бир-иккитасини кўчириш чоғида тушириб қолдирилган, дейиш мумкиндир, лекин орада муҳим маълумотлар ҳам киритилган бўлиб, улар тил ва услуб жиҳатидан Навоийнинг жумлалари, буларни асарга муаллифдан бошқа киши киритиши

Ҳазрат Навоий илмий тафаккурининг гултожи ҳисобланган ушбу тадқиқот ўзбек фани тарихида ҳам тенгсиз замонга эга. Ушбу асар бизчага етиб келган илмий ишлар орасида ўзбек тилида яратилган биринчи соф лингвистик илмий-тадқиқот ҳисобланади. Кези келганда қайд этиш керакки, Низомиддин Мир Алишер Навоийга қадар туркий тиллар тадқиқиға бағишланган ўнлаб илмий асарлар яратилган. Бироқ улар араб тилида ёзилганлигини ҳамда уларнинг катта бўлаги ўқув қўлланма хусусиятига эга эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Навоий ушбу асари билан ўзбек лафзидида тилишунослик бўйича илмий иш яратиш услубини, ёзма илмий баён техникасини яратиб бериш билан бирга, унинг илмий терминшунослигини ҳам ишлаб чиқди. Шу жиҳатлари билан ушбу асар ўзбек ва жаҳон фани учун гоят қадрли фундаментал тадқиқот саналади.

имконсиз. Масалан, Тўққопи кўлэмасидаги **“Форсийгўй турк беглар-у мирзодалар “бўхсамақ”ни форсий тил бил тиласалар-ки, адо қилгайлар”**, деган гап Фотиҳ кўлэмасида **“Форсийгўй турк беглар-у мирзодалар “бўхсамақ”ни форсий тил бил тиласалар-ки, адо қилгайлар, аё не навъ қилгайлар”**, деб берилган.

Орада йирик-йирик жумлалар ҳам фарқ қилади. Улар китобнинг тадқиқот бўлимида рўпарча-рўпара қилиб жадвалга солиб берилган.

Навоий асарлари тилида сингармонизм(товушлар уйғунлиги) “темир қонун” сифатида амал қилган. Бу нарсаси товушлар системасини англашга ҳам имкон беради. Масалан, муаллиф келтирган мисолларда “йўғон” ўзакнегизли сўзларга масдар кўрсаткичининг **-мақ** варианты қўшилади: **қуруғ-самақ, алдамақ, қўстамақ, йалин-мақ** сингари; “ингичка” талаффузли сўзларга эса **-тдқ** варианты қўшила-

ди: **игирмақ, индамақ, сурканмақ, ўртанмақ** сингари. Кўринадики, Навоий тилида орқа қатор, “йўғон” **а** билан олд қатор, “ингичка” **анин**г ҳар иккови муқтақил фонемалар сифатида амал қилган.

“Муҳокамату-л-луғатайн”да жониворларнинг ҳаракатини англатувчи феъллар билан боғлиқ қизиқ бир мисол бор. Асарнинг Анқара нашрида бу мисол шундай берилган: **“уй мунг-рамағига ва ишақ инграмағига ва ит тегишмағига ва улимағига лафз йўқтур”**. Мухими шундаки, ушбу жумла асарнинг Тўққопи кўлэмасида йўқ,

ИЛМИЙ ТАФАККУР
ГУЛТОЖИ

Фотиҳ кўлэмасида эса бор, нашрга ўша кўлэмадан олинган.

Ушбу жумладаги келишиқ қўшимчаларининг қўшилиш тартибига эътибор қаратилса, қуйидаги ҳолатга дуч келамиз: **тегишмақ** сўзи “ингичка” ўзакли бўлишига қарамай, унга қўшимчанинг “йўғон” варианты қўшилмоқда: **тегишмағига**. Англашиладики, нашрда бу ўринда хатога йўл қўйилган. Қ.Содиков туркча нашрдаги бу хато-

ни асар кўлэмасига асосланиб тўғри беради.

Унинг ёзишча, кўлэмада **тегишмағига** эмас, **мингашмағига** экан. **Мингашмақ** “йўғон” ўзакли сўз, шунинг учун унга қўшимчанинг ҳам “йўғон” варианты қўшилмоқда.

Тузатилган жумланинг ўқилиши шундай бўлади: **уй мунграмағига ва эшақ инграмағига ва ит мингашмағига-ву улимағига лафз йўқтур**.

Бу жумлада кечган **мунграмағи** сўзи “ингичка” ўзакли бўлгани учун унга жўналиш келишигининг “ингичка” **-га** варианты, **инграмағи, мингашмағи, улимағи** сўзлари “йўғон” талаффузли сўзлар бўлгани учун эса қўшимчанинг ҳам “йўғон” талаффузли **-га** варианты қўшилмоқда. Агар эски ўзбек тилида “темир қонун” бўлиши товушлар уйғунлигига эътибор берилмаганда, юқоридаги нашрда унинг хато ўқилганини сезмай ҳам қолардик.

– Истаганча талқин қилишга изн берадиган шеърлар экан, шу руҳдаги шеърларни ўқигиси келади одам.

– Марҳамат, талқини ёзувчидан...

Муҳаммаддон билан қайтиб қўришмадик, қўришган бўлсак-да, бафуржа суҳбат қуролмадик.

...Кунни кеча Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети магистри Одина Қулмурадова Президент стипендиyesi-га сазовор қўрилганидан хабар топиб севиниб кетдим. Халоли бўлсин! Ҳақиқатда ақли, оқили, изланувчан – мустақил фикри-қарашлирига эга толиба! Сиз қоқиб қизимизни табриқладим, гап орасида сизни тарбиялаган отангизга раҳмат, нима касб қилдилар у киши, деб сўрадим.

– Дадам шоир Муҳаммад Гаффор-да, икки йил бўляпти, ўтдилар... – овози маънос тортиб деди Одина.

Сўз топпомай қолдим. Қулоғим остида шоирнинг ўша сўнгги сўзи тақорланаверди: “Марҳамат, талқини ёзувчидан...”.

Шу тарика, кечикиб бўлса-да, китобчадаги айрим шеърларга насрий талқинлар туғилди.

Хуришд ДўСТМУҲАММАД

МУНИС, МУШФИҚ, МАҲЗУН...

(Назмдан наср)

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман. Ортиқ оқим ташламайман. Бу аҳволда юрмаганим бўлсин!.. Хуш тушга айланди. Менинг айтиб юборишимдан чўчиган сўзлар тилимнинг учига тармашди, айтмай қўяқолай дейман. Тилимнинг учидан, лабларимнинг буржидан қочган сўзлар қўзимга қўчиб ўтадилар, қўзимга...

Ҳар қадам ташлаганимда оёғим остидаги тошчалар гижирлаб кетади. Жоним бордек. Жоним ачишади, назаримда ўзимни ўзим устимдан босиб бораётгандекман

КИНОШУНОСЛИҚДА НИМА ГАП?

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори экран санъатимизнинг янги босқичида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу соҳадаги кескин бўрилиш ишлаб чиқарилаётган фильмлар миқдорининг ўсиб бориши билангина эмас, ижодий, ташкилий масалалар, фильмларимиз кўрсатилган минтақалар географиясини кенгайтириш, ижод аҳлининг янги авлодини тайёрлашнинг илмий-методологик асосларини яратиш ва бошқа масалалар билан ҳам боғлиқ.

Миллий киновнинг кейинги чорак аср давомидаги фаолияти матбуотда қандай ёритилди? Бу масала илмий жиҳатдан ўрганилса, "оммавий маданият" ўзининг "кино мунаққидларига" эга бўлишга ҳаракат қилаётгани кўзга ташланади. Зеро, бундай муаллифларнинг заиф асарларини ижобий баҳолаб ёзилган матбуот материаллари билан танишиб кўп таажубланганмиз. Аслида профессионал кино масалаларини махсус ўқув юртида таълим олган, олий курсларда малякаларини доимо ошириб келганлар қаламга олиши адолатдан бўлар. Шу ўринда эътибордан четда қолган ёхуд бошқа сабабларга кўра ёритилмаган манзарани эслатиб ўтмоқчимиз. Ёндшо санъатлар – кино ва телевидение муносабатлари, ўзига хос ифода воситаларини, ижод психологияси ҳамда ижод маҳсулини қабул қилиш психологиясини билмай туриб ҳужжатли фильмнинг телекўрсатувдан, сериалнинг кўп серияли фильмдан фарқи жиҳатларини айтиб бўладими? Бадиий ўқимлар, йўналишлар (масалан, модернизм, постмодернизм ҳамда уларнинг таркибидagi экспрессионизм, "воқеалар оқими" тушунчаси билан боғлиқ кино амалиёти) ҳам умумэстетик, ҳам миллий киновнинг муаяян маҳсулотлари таркиби, табиати, стилистикадан келиб чиқиб ёритилишига катта эҳтиёж бор.

Биз учун ниҳоятда долзарб кўринаётган бу масалалар бирорта йилгидан, матбуотда чоп этилиб келинаётган тадқиқотлар, рисолаларда, ёзилаётган диссертацияларда қаламга айлانган йўналиш йўқ. Киновнинг ўз ёзма органи – газетаси, журнали ҳам йўқ. "Ўзбекино" йил ҳисоботи бериладиган ижодий-назарий конференцияларни ўтказмай қўйган. Асли-

да ҳозирги кунда анжуманлар ҳам илмий-назарий, ҳам ижодий-амалий йўналишда бўлиши зарур. Бугунги кунда фильмларни ишлаб чиқариш, уларни ижарага бериш, маҳсулотлар категори-ясини белгилаш ва ҳақ тўлаш низомини тиклаш жараёниларида кино ҳақидаги фан вақиллари фол иштирок этишини таъминлаш адолатдан бўлур эди.

Ҳозирча манзара ўзгача. Ҳужжатли кино телевидион шакллари айнан қайтарилгани кўзга ташланапти. Воҳоланки, телевидион ижодда тасвири кўриш, овозни тинглаш, умуман кичик экран маҳсулотини уй, хонадон шароитида қабул қилиш психологияси ҳисобга олиб ёзилиши, суратта олиниши, монтаж қилиниши маълум. (Бу ўринда миллий телевидениенинг изланиши жўшқин ва доимий бўлишини истардик). Кичик экран рўпарасида ўтирганлар тасвириланаётган воқеаларда иштирок этиши ёхуд ўша ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишини таъминлаш йўллари излаш талаб этилади. Кино маҳсулоти эса бир йўл билан маконда кўпчилик кўриши, бирга завқланиши, мушоада қилиниши назарда тутилиб яратилади. Бу киши санъат бири иккинчисининг таърибасини ўрганиши, лекин ижодий ўзлаштириши ҳақида таҳлилий асарлар битилиши, мақолалар бериб борилиши, ТВ ва кино муносабатларига фундаментал тадқиқотлар бағишланиши бугунги амалиёт талаб этимоқда.

Муаллифлик киноси ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг "Илова" психологик драматизи, "Чашма" лирик қиссаси, ўзбек аёлининг ҳаёти, ўйлари, атроф-муҳитга муносабатлари, ҳайратомуз фикрлари жамланган "Сукунат" фильми кино санъ-

атимизда воқеа бўлди. Улар миллий санъатимизда интеллектуал йўналиш қарор топишида муҳим омил бўлапти. Афсуски, фалсафий ўйлар, баъзан зиддиятлардан холи бўлмаган воқеалар таърифи ва тавсифи, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари камеранинг зийрак объектив кўмағида ўрганилиши, айтиладиган сўзга эмас, мажозий ифодаларга, ҳаракатдаги тасвир ҳамда ўзгариб турадиган ритм, монтаж динамикасига катта "юк" берган муаллиф-режиссёрнинг ижодхонасига чуқур назар ташланмади, батафсил таҳлил қилинмади. "Илова" модернизмнинг миллий киноиздаги сермазун кўриниши экани билан ҳам, Э.Фрейдининг "психоанализ" (руҳий таҳлил) назариясидан озиқ олиб ёзилгани ва суратга олингани билан ҳам

қизиқиш уйғотади. Қўҳна мифологияда ўз ифодасини топган умуминсоний ғоялар бугунги кун воқеаларини, ҳолатларини идрок этиш, англашга ёрдам беради. Худди шундай ниҳоятда бой мушқий этнография мустақил эстетик қийматга эга бўлган "Йўл бўлсин" бадиий фильми яратилишида муҳим омил бўлди (ижодкорлар-режиссёр Қ.Қамолова ва олим Ш.Турдимов.) Фалсафий ўйлар, тушунчалар экраннинг бадиий воситалари орқали намоён этилаётгани махсус йиғинларда батафсил таҳлил қилиниши, телевидениеда кино эстетикаси масалалари юзасидан фикр юритилишини, кадр, эпизодларнинг ҳар бирига изоҳ берилишини тақозо этади.

Айрим томошабинларга етиб бормаган, профессионал кино аҳли эътиборини қозонган С.Назармухамедов режиссёрининг имкониятлари билан бирга кинодаги ижронинг юксак намуналарини кўрсатган театр актёрлари Дилбар Икромова ва Тожибой Норматовнинг ноёб истеъдодини намоён этган "Ёлғиз ёдгорим" психологик драматизи ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унинг фазилати ўзбекнинг асл хислатларини бевосита образ яратувчи санъаткор-актёр санъати ила кўрсатганида, ёзувчи қиссасининг мазмунини йирик планда намоён этганидир. Фильмдан таъсирланиб Дилбархонга миннатдорлик сўзларини айтганимда, актриса шун-

дай деганди: "Сиз тилга олган эпизодда қаҳрамоним ҳовлидаги сўрида ётиб умр ҳамроҳига сўз айтади, кўзини юмди... Бир маҳал кўзини очсам, кўм-кўк, феруза осмону фалакда турналар қатори учиб эмас, бамисоли сузиб кетаяпти. Зўр-базўр эшитилган овозлари ўша дамдаги ҳолатимга зид эди. Зангори осмонда маконлари бўлмиш кўллар томон парвоз қилаётган йироқдаги қушларни кўриб, эшитиб, ҳаётга қайтгандек бўлдим. Хаста қаҳрамоним ҳам, мен ҳам".

Кино мунаққидлари эътиборидан четда қолган яна бир соҳа – кинопублицистиканинг тадқиқ қилинмаётгани ҳам кишини ўйлантиради. Кино аслида хроникадан бошланган, ҳужжатли экран бадиий асарларга қаҳрамон, мавзу танлашдагина эмас, киноҳўя услубини белгилашда ҳам қўмақ-

лашган. Бир қатор бадиий кинополотнолар қаҳрамонларининг экрандаги умри хроникада, ҳужжатли фильмларда бошланган. Эндиликда миллий киновнинг янги даври бошланганида бу соҳада ёзилаётган сценарийлар, суратта олиш жараёни, ниҳоят, фильмлар астойдил ўрганилмаса, илмий таҳлил объектига айланмаса, оқибати қандай бўларкин?..

Мулоҳазаларимизни тақлиф киритиш билан яқунламоқчимиз. Кино ҳақида ёзаётган ёхуд ёзиш истагида бўлган ОАВ ходимлари учун семинар ташкил этилса, Дўрмонда мазкур машғулотлар, кўриклар, учрашувлар, муҳокамаларни кўзда тутган дастур асосида кино мунаққидлар йиғилишини ўтказиб туриш имкониятлари изланса, "Ўзбекино", Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари ҳар йили ўтказиб турадиган семинар яна икки муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Чунонки, йиғилганлар орасида кино ва ТВ назарияси, тарихи, бугунги фаолиятини ўрганиш, тадқиқ қилишни истайдиган ёш қалам соҳибларини киношунослик ва телевидениешунослик бўйича ихтисослашган ўқув юртиларига тайёрлаш ва уларга тавсияномалар топшириш мумкин бўларди. Шунингдек, мукамал тўзилган ўқув (семинар) дастури асосида турли вилоятлардан келадиганлар орасидан сценарий ёзиш техникасини эгаллашга қобилияти борлар танлаб олинарди.

Ҳамидулла АКБАРОВ,
филология фанлари доктори

ОТДИ ТОНГ ГУЛШАН АРО

Республикаимиз театр санъатининг йирик намоёндаларидан бири, хонандалик маданияти, миллий драматургия, компози-торлик асарларининг фаол тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров 7 ноябрда 100 ёшга тўлган бўларди. Ўзининг 85 йиллик умридан 65 йилга яқинини мусиқали санъатимиз ривожига бағишлаган беназир санъаткор Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрда 60 йилдан зиёд фаолият кўрсатди. Актёр ушбу театр сахнасида жуда кўп спектаклларда етакчи ролларни ижро этиб, халқимиз меҳрини қозонди, эл-юрт эъзозига сазовор бўлди.

Саҳна ҳаёти соломасида ажойиб воқеалар кўп бўлган. Абдор Хидоятлов Отелло образида 500 марта сахнада намоён бўлган, Олим Хўжаев Гамлет ролини 1000 марта ўйнаган, Маҳмуджон Ғофуров эса "Нурхон" спектакли 2000-бор кўрсатилган чоғи Ҳайдар образида чиққанидаги кеча ҳақиқий шодиёнага айланиб кетганди. Улкан санъаткорнинг "Тоҳир ва Зухра"даги Тоҳир, "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳод,

"Алломиш"даги Алломиш, "Лайли ва Мажнун"даги Қайс-Мажнун, "Равшан ва Зулхумор"даги Равшан каби халқ қаҳрамонлари қиёфасидаги қўйма образлари, "Ун иккинчи кеча", "Ок Нилуфар", "Майсаранинг иши", "Наталка-Полтавка", "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Қурбон Умаров", "Қасос" ва бошқа кўпқалб асарлардаги роллари томошабинларнинг, театршунос-мутахассисларнинг юксак баҳосига, самимий олқишларига сазовор бўлди. Минг-минглаб санъатсеварлар хотирасида ўчмас из қолдирди.

1951-1953 йилларда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ижодий жамоаси салоҳиятини янада ошириш, уни кучли ширали овозлар билан бойитиш мақсадида Маҳмуджон Ғофуров мазкур театрга етакчи солист сифатида ўтказилди. Бу театр сахнасида ҳам Мажнун ("Лайли ва Мажнун"), Қодир ("Гулсара"), Бўтажон ("Буюк қанал"), Фарҳод ("Фарҳод ва Ширин") каби ёрқин, ўткир характерли, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган, романтик хиссиётларга бой тимсолларни яратиб, опера санъати муҳлисларини хушнуд этди.

Устоз санъаткор илдизи узок тарихга бориб тақалувчи "Шашмақом" ҳамда ўзбек куй-қўшиқларини ижро этишда ҳам



фидойилик кўрсатди. "Ироқ", "Ушқ", "Дугоҳ", "Баёт", "Чоргоҳ", "Гиря", "Сегоҳ"ларни қалб кўри билан хониш этиб олқишларга сазовор бўлди. Санъаткорнинг хизматлари юксак қадрланиб, унга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди, умрининг ёмиб саналари катта тўйларга, чинакам шодиёнага айланди. Ўзбекистон мустақиллигини зўр қувонч билан қутиб олган

Умр ибрати устоз ўн уч йиллик ижодий фаолияти-

да юрт хизматида бўлди, мустақил эл зафарларини тарғиб этди, қўшиқларида куйлади. Томошабинлар билан ўтказилган ижодий учрашувларда Ўзбекистонимиз мустақиллигини мадҳ этиб:

Отди тонг гулшан аро,
Қалблар нечун

шодланмасун......
дея завқ-шавққа қўйиб, гурурла баралла куйлади. Истиклол йилларида фидойи санъаткорлар сафида "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланганди. Умрининг сўнгги вақтларида ча жонажон театри билан ҳам нафас бўлган фидойи санъаткор хотирасини абадийлаштириш мақсадида Муқимий номидаги театр жойлашган кўчага унинг номи берилди. М.Ғофуров ҳақида видеофильм яратилди, бир умр хизмат қилган театрига сиймоси туширилган хотира лавҳа ўрнатилди.

Юртимиз санъати ривожига катта ҳисса қўшган давлат арбоби Усмон Юсупов театрга бўлган бир тадбирда "Ўзбекистон бир гулшани бот бўлса, Маҳмуджон Ғофуров шу бонгинг булбули", деб таъриф берганди. Устоз санъаткорнинг бетакрор овози авлоддан авлодга санъат сеҳрини тортиқ қилиб яшашига ишонамиз.

Ҳожиакбар РАСУЛОВ,
меҳнат фахрийси

ШАРҚОНА НАФОСАТ НАМОЙИШИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Халқ амалий санъатининг барҳаёт аъёналари-га қизиқиш бугун нафақат Шарқда, балки замонавий санъат марказларига айланган Фарб мамлакатларида ҳам кучайиб бораётгани бежиз эмас. Дунё ахборот майдонида кенг қулоқ ёзаётган "оммавий маданият" айни пайтда миллийликка, урф-одат ва аъёналар, барҳаёт қадриятларга бўлган маънавий эҳтиёжни ошираётгани рост. Тошкент фестивалининг ижодий харитаси кенг ва ранг-баранг кўриниш касб этиб, кўплаб хорижлик ижодкор ҳамда мутахассисларни жалб қилгани айнан шу омил билан боғлиқ. Пойтахтимиздаги барча йирик кўргазма залларини қамраб олган ушбу фестиваль жаҳон амалий санъатидаги янги изланишлар, замонавий жараён ва тенденциялар билан яқиндан танишиш имконини берди. Шу ўринда айтиш лозимки, бугунги замонавий амалий санъат ўтмишдаги хунармандлик йўналишларининг шунчаки акси эмас. Бу соҳа замонавий тасвирий санъат йўналишлари билан ҳамқадам ривожланаётган. Шунга яраша ижодий ишларнинг шакли, мазмун доираси ҳам янги-ча, давр руҳи билан уйғун қиёфа касб этиб бормоқда. Марказий кўргазмалар залида очилган фестивалнинг асосий экспозицияси бунинг далили.

Намоийш залига қадим қўрқансиз, турфа шакллар, бетакрор рангу услублар, миллий аъёналар ва замонавий изланишларни муҷассам этган тўқима-чилик ва кулолчилик намуналари билан юзлашасиз. Аъёнавий ҳамда ноаъёнавий хунармандлик асарларига тўла кўргазма залини турфа маданиятлар учрашуви ўз берган муқоёт майдонига қиёслаш мумкин. Намоийшда кенг ўрин берилган россиялик усталарнинг қашта ва қулоқларига назар солиб, миллий аъёналарнинг замонавий нафасини ҳис қиласиз. "Лоскутная мозаика" лойиҳаси доирасида яратилган тўқимачилик ишлари томошабинда рангтаъсир асарлари сингари ёрқин таассурот уйғотади. Масалан, Наталья Муравьёва, Ксения Шликова, Валентина Бочарова, Ольга Таранованинг мусаввири на маҳорат билан яратган манзара ва композицияларида рус фольклорининг аъёнавий мотивлари, миллий аъёна ва қадриятлар устуворлик қилади. Ижодкорлар мумтоз декоратив услуб доирасидан чиқиб кетмаган ҳолда, қизиқарли ифода шакллари-ни яратишга интилишган. Уляна Потапова, Анатолий Белик, Ирина Букреева ҳамда "Кизил сарафан" клуби аъёнларининг ишларида эса, аксинча, бутунлай янги-ча талқини кўрамиз. "Осмон ва ер", "Қутилмаган меҳмон", "Акс", "Ғалаба юлдузлари" сингари асарларда авангард санъатида хос шаклий ёндашувлардан усталик билан фойдаланилган. Яъни бу асарлар қиёфаси, мазмун жиҳатидан рангтаъсир асарларидан қолишмайди.

Мусаввирига талқин услубини ўзбек ижодкорларининг ишларида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, фаргоналик матога сурат чизувчи усталар Владимир Пучковский, Светлана Шихова ва Яна Пучковскаянинг манзара, натюрморт ва композицияларидаги ёрқин ранглару шакллар, миллий мотивларнинг ноаъёнавий талқини нигоҳингизни сеҳрлайди. Улар мойбўёқ билан эмас, мато


қийқимлари ёрдамида яратилганини гоҳида сезмайсиз ҳам. "Марғилон оҳанглари", "Қайфият", "Анор", "Мақомлар" каби композицияларда декоративлик устунлик қилса, "Қовун сотувчи", "Дарвешлар", "Қудуқ бошида", "Қўсақ ичидаги қўсақ" асарларида чуқур ҳиссиётлар, жиддий ўй ва кечинмалар ифодасини кўрамиз.

Тошкентлик ижодкор Алексей Қодировнинг суратли матоларидаги образли ечимлар янада мураккаб кўриниш касб этган. Нозик тола ва ипплар ёрдамида ифодаланган рамзлар томошабинни ботиний туйғулар, сирли кечинма ва зиддиятлар дунёсига олиб киради. "Дарвешлар" триптихида таникли расом Файзулла Аҳмадалиев картиналарига хос қатламланган теран мазмун муҷассам бўлса, "Тўда" полиптихида қизғиш сояга айланган инсон ва ҳайвон образлари фалсафий-ахлоқий муаммолар ҳақида мушоада юритишга чорлайди.

Бундай ўзига хос ёндашувлар миллий мерос намуналари замирида дунёга келаётгани муҳим аҳамиятга эга. Озарбойжонлик амалий санъат устаси Инна Костинанинг суратли матолари муғом мусиқаларидан таъсирланиб яратилган. Мумтоз оҳанглар сингари нафис чизиклар тўқ рангдаги мато фониди сирли мазмунга эга рамзий тасвирларни пайдо қилади. Уларга назар соларкансиз, гўё муғом куйларини тинглаётгандек бўласиз. Истеъдодли ижодкор миллий руҳ ва замонавий талқин ўртасида гўзал уйғунлиқни топа олган.

Намоийшдан ўрин олган кулолчилик ишларида замонавий тенденциялар таъсири яққол кўзга ташланмасда-да, маҳаллий мактаблар доирасида жиддий изланишлар кечаётгани сезилади. Риштонлик керамика усталари учун ажратилган майдонда Усмон Рустамов устaxonида тайёрланган керамика инсталляция билан бирга, Алишер Назиров, Исмоил Комилов, Бахтиёр Назировнинг кулолчилик ишлари ҳам диққатингизни тортади. Мовий, оч яшил рангдаги рўзгор идишларида риштон кулолчилик мактабига хос аъёнавий услуб билан бирга, янги-ча шакл, безакларни ҳам пайқайсиз. Ёғдуювон мактаби усталари яратган ишлар орасида эса Абдувоҳид Каримовнинг "Йўқотиш" керамика инсталляцияси эътиборни жалб қилади. Бир неча пландан иборат бу ижодий иш марказида парчаланган қошқинлар осилган. Уларнинг ортида ўзига хос панно кўринишида қошқин парчалари ҳамда лаганларни кўрамиз. Инсталляциянинг пастки қисмидан қумлар орасида қолган нодир санъат намуналари жой олган. Ижодкор бу орқали асрлар давомида яшаб келган аъёна ва қадриятлар бой берилмаётганини ифодалагани долзарб аҳамиятга эга.

Кўргазмадан ўрин олган ҳар бир ижодий иш ўзига хос таассурот қолдириши табиий. Томошабинларни Нурота, Сурхондарё сўзаналари сингари асрлар давомида ўз жозибасини йўқотмай келаётган ноёб хунармандлик намуналари билан бирга, қадимий санъатнинг янги-ча талқинлари ҳам бефарқ қолдирмайди. Гувоҳи бўлганимиздек, бугун амалий санъат усталари бир жойда депсиниб тургани йўқ, ишлаш техникасидан тортиб, ижодий ишларнинг шакли ва



мавзуси ҳам кенгайиб, эврилишларга учрамоқда. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, замонавий амалий санъат соф декоративлик доирасидан чиқиб бўлган. Гарчи бу хусусият аъёнавий хунармандлик намуналарида муҳим аҳамият касб этишда давом этаётганига қарамай, янги изланишлар гов бўлаётгани йўқ. Аксинча, халқ хунармандлиги, унинг қадимий аъёналари замонавий санъат тараққиёти учун янги изланиш майдонига айланмоқда.

Биринчи Тошкент халқаро амалий санъат фестивали бу йўналишдаги муҳим тенденцияларни белгилаш имконини берди. Ҳўмладан, ҳозир амалий санъатда индивидуалликка, муаллиф "мени"ни намоийш этишга интилиш тобора кучайиб бораётганини қайд этиш лозим. Хунарманд усталар расомлар сингари кенг қўламда ижод қилишга, изланишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу жараёнда постмодернистик ёндашувлар ҳам оммалашиб бораётгани янги ижодий уфқлар сари йўл очиши аниқ. Албатта, ҳозир бу изланишлар қандай натижа бериши ҳақида ҳулоса чиқаришга эрта. Чунки ҳали ижодий йўлнинг бошида турибмиз. Тошкент фестивалининг келажакдаги фаолияти бу борадаги саволларга янада аниқ жавоб беришга умид қиламиз.

Азизхон ИМОМОВ

Халқаро амалий санъат фестивали доирасида Қамолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Тошкент фотосуратлар уйи, Халқаро маданият қаровонсаройида кўргазмалар очилди. Фестиваль давомида амалий санъат усталари ва санъатшунослар иштирокида аъёнавий ва ноаъёнавий хунармандчиликка бағишланган давра суҳбаи ҳамда "Art and part news Uzbekistan" журнали тақдими ҳам ўтказилди. Бугун фестивалнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтади.

"ЎСМА ҚҲЙИБ ҚОШИМА..."

Ёшларимиз жаҳон сахнасида миллий санъатимизни намоийш этаётган бир вақтда, айрим таникли хонандалар куй-қўшиқларимизга пугур етказётгани дилни ранжитида.

Хусусий телеканалларда бир неча ойдан буён машҳур хонанда қизимизнинг "Лазги" қўшиғи клипи билан ("қилиғи") эфирга узатиляпти. Каммига "Тор music"да бу қўшиқ кучли бешталикда экангига нима дейсиз? Клипдаги қора кийимли рақослар миллий мусиқамизга эмас, худди хориж мусиқасига ўйнаётгандек. Ижрода на тарбиявий жиҳат, на маънавий ят"ни тарғиб этапти.

Халқимиз, жаҳон аҳли "Лазги" қандай қўшиқ эканидан яхши хабардор. Ҳақиқий "Лазги"ни эшитган, унга рақсга тушган одам роҳатланади, дам олади. Бироқ қалбда миллий гурур жўш урган инсон ўсма қўйган хонанданинг ашуласини эшитиб, асабийлашади. Чунки унда "Лазги"нинг фақат номи қолган, холос. Ўзингиз баҳо бериб кўринг ахир:

**...Узун сочим таралган,
Майда қилиб ўрилган.
Ўжарлигим била туриб,
Ошиқ бўлар йигитлар...**

Яна ҳар-ҳар замонда «жоним маин» дейиши-чи! Жоним менинг, деса ҳам қошқийди. Ахир, қўшиқни ижро этишдан олдин сўзларини таҳлил қилиб кўриш лозим эмасми? Ёки «Хамманики ўзига, ой кўрнана кўзига» дегандек, хонанда ўз қаламига мансуб

"ижод" маҳсулини «бузиш»га кўзи қиймадимикан:

**...Нозлари кўп қизман,
Онамга эрка қизман.
Ўсма қўйиб қошим,
Ўзалиқда тенгсизман...**

Илгари телевизор ёки радиода қўшиқ янграسا, доимо шеър номи, шоири, бастакор ва хонанданинг исми-шарифи кўрсатиларди. Балки бу аъёнанинг йўқолишига бутун бошли қўшиқ бир одам томонидан яратилган ҳам сабаб бўлгандир. Нима бўлганда ҳам бу аъёнани йўлга қўйиш зарур. Қўшиқни эфирга узатишдан олдин телевидение ва радиодаги Бадиий кенгашнинг руҳсати керак-ку? Балки бундай кенгашлар борди, бироқ уларнинг мавжудлиги сезилмаяпти...

Энди бу «ажойиб» "Лазги"нинг нақоратини кўринг:

**Лазги, лазги, лазги,
Хиром айла бу лазги.
Лазги, лазги, лазги,
Яйра, яйна, бу лазги.**

Ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида маънавий баркамол қилиб тарбиялашга давлат миқёсида аҳамият қаратаётган бугунги кунда бу каби нағмалару ҳаёсизликлар ёшлар тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётган экан?!

**Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани
«Машал» газетаси муҳбири**



БАХТ ВА САДОҚАТ ХИЁБОНИДА

Айни кунларда Жиззах ва Жиззахликлар қалбини тўлдирган байрам шодиёналарининг кўтаринки кайфияти юртимиз бўйлаб кезиб юрганга ўхшайди. Жиззах шаҳрида атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, уларнинг мемориал ёдгорлиги ҳамда ижодлари бағишланган музей барпо этилгани халқимиз маданий, адабий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Байрамга мос безанган кўча ва хиёбонлар, янгидан қад ростлаган меҳмонхона ва кўп қаватли уйлар Жиззах жамолига ўзгача кўрк ва савлат бағишлаган.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки ардоқли шоир номи билан аталган ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат жойлашган ҳудудда буткул ўзгача манзара ҳоким. Адабиётга ҳавасманд ўқувчиларни бир ерга жамлаган ушбу илм даргоҳида республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари билан доимий учрашувлар, шеърят кечалари ташкил этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан мунтазам ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хиёбоннинг мактаб-интернат яқинида жойлашганида ҳам рамзий маъно бор. Ушбу богга қадам қўйган киши беихтиёр шеърятга ошно тутинади.

– Қалби адабиётга, санъатга ошуфта инсонлар бу ерга ошиқмоқда, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Моҳиғул Раимқулова. — Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним ҳайкали қад ростлаган хиёбонда ардоқли шоирларимизнинг руҳлари кезиб юргандек. Бу бог шеърятга меҳр қўйган, адабиёт ихлосмандига айланган ёшларни ҳаммаша бағрига чорлаб, илҳом бағишлаб туришига ишонаман.

Кўркам ва файзли масканга айланган хиёбонда пойга турфа гуллар қўйилган икки дилбар шоир илҳом оғушида гўзал асар битаётгандек кўринади. Улар сиймосида авлодларининг эзгу ва хайрли амалларидан саодатмандлик ифодаси балқиб тургандек.

В.ИБРОҲИМОВА

ФЕСТИВАЛНИНГ ИЛК КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Консерватория, Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида фортепиано ансамбллари фестивали очилишига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Композитор Ойдин Абдуллаева ва мусикашунос Венера Зокирова бошловчилигида ўтган мазкур концерт "Ўзбекистонда фортепиано дуэтлари солномаси" деб номланди. Ўзбекистоннинг устоз композиторларидан тортиб, бугунги кунга қадар ижод қилиб келаётган бастакорлар асарларини ўз ичига олган бу тадбирни Консерватория профессори А.Шарипова ва Глиэр номидаги республика академик лицей "Фортепиано" синфи ўқитувчиси Ж.Муродбекова С.Юдаковнинг "Хоразмча байрамона юрш" асари билан очиб беришди.

Шундан сўнг таниқли композиторларнинг "Уфорта", "Тановар", "Самарқанд ботаётган кўёш нурларида", "Байрамона", "Элегия", "Қонқора кўзларим", "Шопенининг олти йўқолган валслари", "Кириш", "Вальс-фантазия", "Дийралишма", "Ешлик ифори" каби асарлари Консерватория профессор-ўқитувчилари ва икtidорли ёшлар томонидан ижро этилди.

Тадбир давомида композитор, ижрочи ва томошабин ўртасида руҳий уйғунлик вужудга келгани ижоддан сўнгги олқишлардан сезилиб турди.

Дилшоодахон МАМАДАЛИЕВА, талаба

АНҲОР СОҲИЛИДАН ВЕНЕЦИЯГАЧА

Таниқли rassom Андрей Есионов 1981 йили тасвирий санъат ва мусиқага ихтисослашган нуфузли мактаб-интернатни тугаллаб, ўша йилиёқ Тошкент Театр ва rassomлик санъати институтининг плакатчи rassomлик бўлимига ўқишга кирди. Ўқиш давридаёқ ёш rassomнинг асарлари мутахассислар ва мухлислар эътиборига тушди.

Бугунги кунда Андрей Есионов Россия rassomлар уюшмасининг аъзоси, кўплаб фестивалларнинг, жумладан, хорижий мамлакатларда ўтган нуфузли кўрик-танловларнинг қолибидир. У Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Самара, Қозон каби йирик шаҳарларида, шунингдек, Франция пойтахти Парижда етти марта шахсий кўргазманини ўтказишга муваффақ бўлган. Энди бу соҳир мўйқалам соҳибининг ижодига мансуб сув-бўёқ ишлардан тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳам баҳра олишлари мумкин. "Бир дарёга иккинчи бор тушиш саодати" деб номланган ушбу кўргазма Ўзбекистон Санъат музейида намойиш этилмоқда.

Намойишга қўйилган асарлар бир неча жанрдаги ишларни қамраб олган. Бу туркум ишлар муаллифининг ижодкор сифатидаги ижод йўли ҳамда маҳорати такомиллини кўрсатишга хизмат қилади. Ушбу кўргазманинг мусаввир учун аҳамиятли томони шундаки, у ўзи туғилиб-ўсган, болалиги кечган заминда, забардаст устозларининг ишлари билан ёнма-ён намойиш этмоқда. Қолаверса, кўргазма Есионовнинг устозлари, Тошкентдаги рангтасвир мактабининг етук намоёндалари И.И.Перяяслов, И.Д.Рубин, И.Н.Лимаков, Н.С.Пак ва Н.Қўзибоевга ҳурмат-эҳтироми ифодасидир.

Кўргазманинг асосий қисмини ижодкорнинг акварелда ишланган туркум асарлари ташкил этади. Уларнинг баъзилари пейзажлар, яъни rassom саёҳатда бўлган Москва, Қуддус, Париж, Мадрид, Берлин, Дрезден, Рим ҳамда Венеция каби тарихий шаҳарларнинг гаройиб тасвирларидан иборат бўлса, баъзилари яқин дўстлари, оила аъзолари тасвиридан иборат портрет жанридаги ишларидир.

Мухими, барчаси самимию, томошабин фикру

хаёлини ўзига тортадиган даражада нафислиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб туради.

А. Есионов акварелчи мусаввир сифатида ўзи шохид бўлган манзара ва ҳодисалардан олган чуқур таассуротларини маҳорат билан тасвирлаш қобилиятига эга. Масалан, унинг оддий оилавий жуфтликлар ўртасидаги оддий кундалик муносабатларни ҳам гўзал ифода қилганини кузатиш мумкин. Уларда қаҳрамонларнинг шахсияти, ёши ва ҳаётий тажрибаси, миллий-этниқ қадриятлари акс этган. "Отли арава" туркумидаги қатор ишлари, "Уйқучининг тушларида" асари бунинг ёрқин далилидир. Мусаввирнинг аксарият ишларидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Ўзининг кўплаб талқинларида инсоннинг виртуал оламга кириб кетишидан хавотирга тушган А.Есионов реал ҳаётнинг афзалликлари ҳар нарсадан устунлигини акс эттиради, инсонни фаний ва ўткинчи оламда янада самимию ва фол бўлишга ундайди.

Бизни хурсанд қиладиган яна бир жиҳат шундаки, rassomнинг ишларида бугунги Тошкент манзараларини, жонажон пойтахтимизнинг мил-

лий ва ўзига хос колоритини, замонавийлашиб бораётган янги қиёфасини кўрамиз. Экспозициядан жой олган қаламтасвир ишлари, ижодий лабораторияси, ҳаёти ва тафаккур тарзини намоён этувчи шахсий буюмлари, фотосуратлар, айрим шахсий иш қуролларига оид экспонатлар ҳам ижодкор шахсияти ҳақидаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Алоҳида бўлмадаги экранда намоиш этиладиган rassom ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильмда

бир ишнинг бошидан охиригача яратилиш жараёни акс эттирилганки, бу ёш мусаввирлар учун "маҳорат дарси" вазиёсини ўтайди. Намойишга қўйилган, каттагина ҳажмдаги, мойбўёқда ишланган "Орол фожеаси" асари rassom ижодида алоҳида ўрин тутди. Зеро, мазкур асар А.Есионов талабалик чоғида яратган шу номдаги асарининг қайта тикланган янги талқинидир.

А.Есионов ижодий услуби мураккаб ва парадоксларга бой бўлиб, унда тажрибаларга мойиллик, анъаналарга содиқлик, замон руҳиятини тегирин идрок қилиш, концептуал умумлашмалар чиқариш, мавзу ва сюжет танлашда ижодий эркинлики кузатиш мумкин. Кўргазмага ташриф буюрган томошабинлар нафақат эстетик завқ оладики, балки унинг асарлари репродукцияларини чегирма нархларда харид қилишлари ҳам мумкин.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон давлат санъат музейи
директор ўринбосари

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда:

Хоразм вилоят мусиқали драма театрининг репертуарини

шақллантириш, театр саҳнасида замонамиз қаҳрамонлари образини акс эттириш мақсадида саҳна асарлари танловини эълон қилади.

Танловга ғоявий-бадий жиҳатдан юртимиз сиёсати, миллий ва умуминсоний тамойилларга асосланган, саҳна ва драматургия талабларига жавоб берадиган, муқаддам саҳналаштирилмаган драматик асарлар қабул қилинади.

Танловда муаллифлар қуйидаги 4 йўналиш бўйича иштирок этишлари мумкин:

- ▶ юртимиздан етишиб чиққан улуг аломмалар, тарихий шахслар, шунингдек, Хоразм диёрида яшаб ижод этган буюк шахслар, давлат ва жамоат арбоблари, юртимиз ўтмишида сезиларли из қолдирган тарихий воқеа-ҳодисаларга бағишланган **ТАРИХИЙ** асарлар;
- ▶ давр руҳияти, бугунги кун муаммо ва ютуқлари, жамият ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган, замондош ва замон қаҳрамонлари сиймоси ёритилган **ЗАМОНАВИЙ** асарлар;
- ▶ ғоявий-бадий жиҳатдан бугунги даврга ҳамоҳанг, муқаддам таржима қилинмаган, жаҳон драматургиясининг классик ва замонавий намуналари, дунё ва миллий адабиётдаги асарлар **ТАРЖИМАСИ** ва **ИНСЦЕНИРОВКАСИ**;
- ▶ **БОЛАЛАР** учун **МЎЛЖАЛЛАНГАН** драматик асарлар.

Танловда ёшидан қатъий назар, барча ижодкорлар исталган жанрдаги асари билан иштирок этиши мумкин. Шунингдек, танловда битта муаллифнинг 3 тагача асари қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарлар ўзбек тилида, 3 нусхада (электрон варианты билан), А-4 форматда, 1,5 интервал, 14 шрифтда кўчирилган бўлиши ҳамда ҳажми 30-40 саҳифадан ошмаслиги зарур.

Барча асарлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилади. Танлов қолиблари 4 та йўналиш бўйича мукофотланади:

1-ўрин (ҳар бир йўналиш бўйича, жами 4 та) – энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида;

2-ўрин (ҳар бир йўналиш бўйича, жами 4 та) – энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида;

3-ўрин (ҳар бир йўналиш бўйича, жами 4 та) – энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида.

Ижодий ишлар 1-ўриннинг 30 декабригача Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Репертуар-тахририят шўъбаси электрон манзили бўйича қабул қилинади.

Электрон манзил: reputuar@mail.uz

Мурожаат учун телефонлар: 239-49-01, 239-43-73

Ўзбек халқининг ҳушовоз, тили бийрон бахшилари азалдан дунёга доғру тартиб келган. Уларнинг қўлидаги дўмбира тилига кириб, соз овозга, овоз созга уланганида қалбларга ҳуш ёқувчи ажиб садолар тингловчилар юрагини жунбушга келтирган.

БАХШИ БИЛАН УЧРАШУВ

Беназир санъатимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган, уни келгуси авлодларга тўлақонли етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бахшиларимиздан бири сурхондарёлик Абдуназар Поёновдир. У ёшлликдан турли давраларда, тўю томошаларда қўйлаб юриб, кейинчалик воҳадаги машҳур бахши Хушбўқ Мардонқуловдан бу санъат сирларини ўрганди. Истиклол йилларида Абдуназар бахшининг миллий санъатимиз ривожини йўлидаги фаолияти юксак баҳоланиб, у "Ўзбекистон халқ бах-

шиси" юксак унвонига сазовор бўлди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бахши билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. "Бахшиси бор юртда болалар ботир бўлмай" деб номланган ушбу тадбир қатнашчилари, жумладан, фольклор-

шунос олимлар, Ўзбекистон санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари бахшичилик санъати намуналаридан баҳраманд бўлдилар. Абдуназар бахши турли байрамларда, тўю-томошаларда ижро этиладиган термалар, шунингдек, "Ўғруғли", "Келинчи" каби халқ достонларидан парчалар ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Муслима ЁҚУБОВА

БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ

Куз фасли ҳазонрезги пайт. Қолаверса, қиш мавсумига айни қизгин тайёргарлик кўриладиган палла. Ҳазонларни ёқиш, иситиш тизимларидан фойдаланиш ҳам мана шу фаслдан бошланади.

Халқимиз "Ўт балосидан асрасин", деб бежиз айтмайди. Чунки ёнгин хонадонга, мол-мулкка катта талофат етказиши. Айниқса, унинг инсон саломатлигига етказиладиган зиёнини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳазонларни ёқиш оқибатида ёнгин содир бўлиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Болаларнинг гуғурт билан ўйнаши ёки қаровсиз қолдириб кетилиши оқибатида келиб чиқаётган фалокат эса янада аянчлидир. Шундай экан, аввало, ёш болаларга олов билан муносабатда бўлишнинг хавфли томонларини тушунириб бориш лозим. Уйдан чиқиб кетаётганда электр ва газда ишлайдиган воситаларни ўчиришни унутманг. Қиш мавсумида эса иситиш мосламаларини ишлатишдан олдин мутахассислар кўригидан ўтказинг.

Ана шу белгиланган меъёр қоидаларига амал қилсангиз ўз уйингизни, мол-мулкнингизни ва соғлиқингизни хавф-хатардан сақлаб қолган бўласиз. Зеро, ҳеч ким фарзандининг ёки яқинларининг ёнгин туфайли ногирон бўлиб қолишини ёки ҳаётдан бевақт кетишини истамайди. Шу боис, огоҳлик ва ҳушёрлик кундалик ширимизга айланиши, фуқаролар ҳам ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда баравар ҳаракат қилишлари даркор.

Б.ҲОШИМОВ, Р.ДАВЛЯЕВ,
ёнгинга қарши кураш хизмати ходимлари

Жаҳон адиблари ҳаётидан

ОЛАМШУМУЛ КАДЗУО ИСИГУРО

Адабиёт бўйича 2017 йилги Нобель мукофотиغا Буюк Британияда истиқомат қиладиган ёзувчи Кадзуо Исигуро сазовор бўлди. Адиб Япониянинг Нагасаки шаҳрида таваллуд



Кадзуо Исигуро 2009 йили Сицилияда Жузеппе Томази ди Лампедуза адабий мукофотини олаётганда тушган сурат.

топган. У олти ёшга тўлганда оиласи Буюк Британияга кўчиб келган, отаси Миллий уммоншунослик институтида илмий фаолият билан шуғулланган. Кадзуо Исигуро мактабни битиргач АҚШ ва Канада бўйлаб саёҳат қилади, клубларда мусиқа билан шуғулланиб, моҳир мусиқачи бўлишга интилади. Бу уринишларидан натижа чиқмаган бўлса-да, Кент университетидега ўқиб, инглиз тили ва фалсафаси бўйича бакалавр даражасига эришади, омади чопмаган мусиқачининг ҳаёти унга "Таскинсиз дард" романини ёзишда қўл келади.

Адибнинг "Тутун қоплаган қирлар" номли илк романи эса Нагасаки фожиасига бағишланган. Асар сюжетига атом бомбаси портлашидан сўнг ўз жонига қасд қилган қизининг дарду ҳасратига кўчиб кетишга мажбур бўлган аёлнинг беором тушлари асос бўлган. Кадзуо Исигуронинг мухлислари кўп: уларнинг аксарияти "Куннинг қолган қисми" романини энг яхши асар дейишса, бошқалари "Мени қўйиб юборма" романини кўларга кўтариб мактайдилар. Биринчи роман 1993 йили америкалик режиссёр Жеймс Айвори томонидан экранлаштирилган ва адиб Букер мукофотиغا сазовор бўлган. 2010 йили экранлаштирилган "Мени қўйиб юборма" романи клонлаштириш асосида дунёга келган одамлар ҳаётига доир гайриутопия. Асар қаҳрамонларининг қисмати мудҳиш: уларнинг тана аъзолари донорлик учун мўлжалланган. Улар туғилишдаёқ бошқалар учун аъзолари керак бўлганда дунёдан кўз юмишга маҳкум этилган болалар, ўсириллар, ёш йигитлар бўлиб, бошқа оддий одамлар каби яшайдилар, бир-бирлари билан дўстлашадилар, севишадилар. Фақат "клонлаштириш интернати"дагиларнинг ҳаёти жуда эрта – қайсидир аъзога эҳтиёж туғилиши билан тугайди.

"Time" журналы 2005 йили бу асарни юзта энг яхши роман рўйхатига киритган. Ш а х с ва жамият хотираси мавзусидаги "Дафн этилган баҳодир" романи Исигуронинг ҳозиргача охириги асари.

Кўп сонли адабиёт мухлислари Исигурони ўз она тилидан бошқа тилда ҳам етук асарлар яратган Владимир Набоков ва Жозеф Конрадга қиёслашади. Британиялик ва америкалик адабий танқидчилар фикрига кўра эса, ўзини япон эмас, британиялик деб ҳисобловчи Исигуро инглиз тилини жаҳон адабиётининг универсал адабий тилига айлантиришга беқиёс ҳисса қўшган.

Машҳур адиб асарлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилига таржима қилинган. Исигуронинг "Мени қўйиб юборма" ва "Дафн этилган баҳодир" каби романларидан ташқари "Омонат дунё мусаввири" асари ҳам рус тилига ўтирилган.

М.АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Болта Ёриевга ўғли

УЛУҒБЕКНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Юсуф Рўзиевга онаси

МУҲАББАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТЕУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтмига ўқиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидадин
САЙИД

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 05.25

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3349. Буюртма Т — 1182. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр қўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

